



Гитлернинг шахсий хайдовчиси Эрих Кемпка 1950 йилда ўз хотираларини нашр килдирди. Унинг гувоҳликлари ҳазилу шумликлардан йирок. У ўз вақтида «мутлақо сиёсатга бегона шахс» деган ном қолдирган эди.

1945 йил 30 апрел, айнаи туш пайти. Империя девони ва ҳукумат мавзеида ўрис тўплари отган снарядлар тинимсиз портлаб турибди. Жанглари борган сари жиддий тус олар, иморатлар гумбур-гумбур кулаб тушар, империя хужжатхонаси атрофидаги кўчалар тошу гишт босган саҳроларга айланиб борарди.

Фюрер йигилганлар билан видолашар экан, бирма-бир ҳамманинг кўлини сиқиб, хизмати ва садокати учун раҳматлар айтди.

Котибалар фрау Юнге ва фрау Христиан, шунингдек, ошпаз аёл Минциази тушликка таклиф қилинган эдилар. Адолф Гитлернинг ёнида унинг рафикаси ўтирарди.

Гўё дорилонмон кунларда бўлганидек, Гитлер барча билан эркин суҳбат қуришга тиришар, ҳар кимнинг шаънига бирор яхши сўз айтар эди.

Бу сўнгги тушлик охирига, котиба ва ошпаз хонимлар аста-секин узоклашаркан, Гитлер ўз адъютанти Гюншега айтиб, уларни яна ёнига чақириб олди.

Ўз хонаси бўсағаси олдида хотини билан ёнма-ён туришганча, улар билан тагин бир бор видолашди. Фрау Гитлер ҳам узок йиллар давомида фюрернинг хизмати килган аёлларни бирма-бир қучди, сўнгра яна видолашиш учун кўл узатди.

Гитлер Мартин Борман ва ўз адъютанти Гюнше билан ҳам хайр-хўш қилди. Хайрлашаркан, у адъютант Гюншега дарҳол ўзи ва рафикасининг мурдаларини ёкиш учун етарли миқдорда бензин тайёрлаш ҳақида катъий буйруқ берди. Буни тушунтириб, адъютантига шундай дер эди:

— Мен ўлганимдан сўнг мурдамни ўрисларнинг антикаворлар музейига қўйишларини истамайман...

* * *

Бу вақтда мен ҳали кўп шикастланмаган ер ости гаражида эдим. Хозиргина кўрикчилар алмашувини назорат қилиш учун келгандим. Бирдан телефон жиринглаб қолди. Дастакни олдим.

Адютант Гюнше гапирарди:

— Эрих, мен албатта ичишим керак! Сенда бир шиша шнапс топилмайдими?
Мен бу саволдан танг котиб колдим. Ахир бу кунларда ҳаммамиз ичкиликни бутунлай унутган эдик-ку!

Яна Гюншенинг овози эшитилди:

— Сенда бирор нарса йўкми ичадиган, а?

Гюншега нима бўлдийкин? Гюншенинг hozir олдинга етиб бораман деганини ўйлаб, ҳаммаси тезда маълум бўлади, дедим-да, бир шиша коньяк тайёрлаб қўйдим.

Мен кутдим. Аммо яна не бўлди? Гюнше келмади. Каердан қўнгирок килганини, уни каердан топишим мумкинлигини билмасдим.

Ярим соат ўтди. Яна телефон жиринглади. Бу яна Гюнше эди. Хаяжонли хирилдок овозда деди:

— Сен зудлик билан менга 200 литр бензин топишинг керак!

Дастлаб, бу гаплар менга ўринсиз хазилдай туюлди, мен бунинг сира иложи йўклигини тушунтиришга ҳаракат килдим.

Аммо у бакира кетди:

— Бензин керак, Эрих! Топмасанг бўлмайди!

— 200 литр бензиняни нима киласан ахир шу пайтда?

— Буни телефонда айтолмайман. Тушунсанг-чи, ахир, бензин керак менга. Кулок сол, Эрих, бензин топиб тезда бункердан чиқаверишга келтиришинг шарт! Дунёни остин-устун килиб бўлса ҳам топишинг керак!

Мен унга ўтиндим:

— Хеч бўлмаса соат 17 гача сабр кил, унгача портлашлар камайиб колар.

Аммо Гюнше эшитишни ҳам истамасди.

— Бир соат ҳам кутолмайман. Шалогичиккан машиналарнинг бакларидан олишга уриниб кўр. Барча одамларинг ишга сол, бензин топиб, тезда фюрер кароргохи остонасига келтиришсин, ўзинг ҳам етиб кел!

Гюнше дастакни осиб қўйди.

Ер ости гаражидаги машиналарнинг қўпчилиги халн ёнмаган, аммо девор ва шифтлар кулаб, босиб, мажаклаб ташлаган эди уларни.

Мен шошилишч ўз ўринбосаримга бир неча одам олиб, зудлик билан ишга киришишни, бензин топиб, хаялламай айтилган жойга етказишни буюрдим.

Ўзим эса вайроналар оша, пачоги чиккан машиналар ёнидан ўтиб, нима бўлганини аниклаш учун Гюншенинг олдида шошилдим.

Мен фюрер кароргохига кирган захотим Гюнше Гитлернинг иш кабинетидан чиқаётган экан. Биз кабулхонада юзма-юз келдик.

Унинг афтангори таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, ранг-рўйи мурдадек оқариб, менга суянди.

— Худо ҳақки, Отто, айт, нима бўлди?— кичкирдим мен.

— Шундай калтис пайтда бензин топ дейсан, ақлдан оздингми? Нахотки шуни деб мен одамларимнинг ярмини курбон килишим шарт бўлса!

Сездимки, Гюнше ҳеч нарса эшитмасди. У шахд билан эшик-и ёпди.

Сўнгра мен томонга ўгирилиб, косасидан чиккудай кўзларини менга тикиб:

— Шеф ўлди!— деди. Худди гурзи билан бошимга ургандек бўлди. Мен уни саволларга қўмиб ташладим.

— Ахир, қандай килиб? Мен кечагина у билан гаплашган эдим! У соппа-сог, рухи тетик

эди-ку!

Гюнше шунчалик хаяжонда эдики, жавоб учун бир огиз ҳам сўз тополмади. Факат ўнг кўлини кўтариб, ўз огзига караб ўк узди ишорасини килли.

— Ева каерда?— сўрадим мен ҳам хаяжонланиб.

Гюнше кўли билан Гитлернинг эшиги махкам ёпилган иш кабинетини кўрсатди:

— У шеф билан бирга... Секин-аста ўзимга келиб, катта кийинчилик билан бу дахшатли воқеалар кандай содир бўлганини англай бошладим.

Шеф иш кабинетида тўппончадан ўз огзига ўк узган ва боши столга тушганча жон берган экан.

Ева Гитлер ҳам унинг ёнида, диваннинг чекка суянчигига эгилганча ўтирарди. У захар ичибди. Аммо унинг кўлида ҳам тўппонча тайёр турган. Ўнг кўли ерга осилиб, тўппонча эса ерга тушиб ётарди.

— Борман, Лингэ ва мен ўк овозини эшитдигу отилиб хонага кирдик. Дўхтир Штумпфегтер келиб кўздан кечирди. Геббелс ва Аксман иккаласини чакирдик...

Гюншенинг бу сўзлари мени буткул лол қолдирди.

— Хозир у ерда кимлар бор?

— Геббелс, Борман, Лингэ ва дўхтир Штумпфегтер — у шеф ва рафикасининг ўлимини кайд этди. Аксман аллақачон жўнаб кетди.

Шу пайт менинг одамларимдан бири пайдо бўлди-да, бункердан чиқаверишга 160-180 литр ёнилги келтиришганини айтди.

Мен уни кайтариб жўнатдим. Шу чок Гитлер кабинетининг эшиги очилди.

— Бензин! Бензин қани?— кичкирди Гитлернинг шахсий ёрдамчиси Лингэ. Мен жавоб бердим:

— Бензин келтирилган! Лингэ яна ичкарига кириб кетди. Бир неча дикика ўтиб яна эшик очилди.

Дўхтир Штумпфегтер ва Лингэ коп-кора аскар ёпингичига ўралган Адолф Гитлер жасадини кўтариб чиқишди. Шефнинг юзи кош-кўзларигача ёпиб қўйилган, бутунлай оқариб кетган сочлари орасидан бўзариб кетган пешонаси кўринар, чап кўли ёпинчикдан чиқиб, пастга осилиб қолган эди.

Оркаларидан Мартин Борман Ева Гитлер мурдасини кўтариб келарди. Енгил кора қўйлақ кийган мархума унинг қўлларида ухлаб қолгандай кўринарди. Унинг кўнгирок сочли боши орқасига қайрилиб тушди. Бу манзара мени мархум шеф жасадидан кўра қучлироқ ларзага солди. Ева Бормандан нафратланар эди. У Борман боис жуда кўп жабр кўрди. Унинг ҳокимият учун кингир интилишлари анчадан бери Евага маълум эди. Энди бўлса, вафот этгач, уни ўзининг энг катта душмани кўтариб боряпти-я! Йўқ, унинг жасади ортик бир дакика ҳам Мартин Борман кўлида қолиши мумкин эмас.

Мен Гюншега:

— Шефни кўтаришга ёрдамлаш, мен Евани кўлимга олай,— дедим-да, Борманга рўпара бўлдим, ҳеч нарса демай, унинг қўлларидан Еванинг жасадини олдим.

Еванинг чап биқини хўл эди. У ҳам ўзини отибди-да, деб ўйладим мен. (Кейинчалик Гюншенинг айтишича, фюрер боши билан столга йиқилганида гулдондаги сув Еванинг устига тўкилган экан.)

Мен ташқарига чиққунча йигирмата зинапоядан кўтарилиш лозимлигини ҳисобга олмайман. Холдан тойиб, тўхташга мажбур бўлдим. Шунда Отто Гюнше ёрдамга келди. Икковимиз Ева Гитлер жасадини ташқарига олиб чиқдик.

Соат кундузги иккилар эди. Империя хужжатхонаси тевараги ҳамон қучли артиллерия

зарбалари остида эди. Бир кадамгина нарида снарядлар портлар, ерни кўпориб хавога отар, осмонни уваланган цемент чангтўзони босган эди.

Дўхтир Штумпфегтер ва Лингэ шошилиб бункер эшигидан тахминан уч метрча ўнг томонга шефнинг мурдасини кўйишди. Унинг ёнгинасида каттакон бетон девор парчаси кулаб ётар эди.

Гитлернинг мурдаси ҳамон ўрогликча, бункер тарафга оёк узатиб ётар — уни шундай ерга кўйишган эди. Узун кора шимининг почалари кўтарилиб колганди.

Гюнше иккаламиз Ева Гитлер жасадини унинг эри ёнига кўйдик.

Хамон атрофда ўрис снарядлари портлар, гўёки худди шу дакикаларда зарба икки карра зўрайгандек эди.

Мен нафас ростлаб олиш учун оркага — бункерга отилдим. Сўнгра бак тўла бензинни олиб, югуриб чикдим-да, мурдалар ёнига кўйдим. Дархол эгилиб, Гитлернинг чап кўлини тўгрилаб, танасига якин сурдим. Унинг оппок сочларини шамол ўйнар эди.

Мен идишнииг копкокчасини олдим.

Шундай ёнгинамизда снарядлар портлади. Бизни чанг-тупрок босиб колди. Осколкалар хар тарафга визиллаб учарди.

Биз жон саклаш учун яна бункерга кайтдик.

Асабий танглик сўнгги нуктасига етганди. Биз жасадларга бензин сепиш учун снарядлар портлаши камаювини сабрсизлик билан кутардик.

Нихоят мен Титлернинг сўнгги буйругини бажариш учун отилдим ва минг машаккатлар билан ўз-ўзимни мажбурлаб мурдалар устига бензин куйиб чикдим.

Бутун вужудимни титрок босди. Ўз-ўзимни идрок килолмай колган лахзалар хам бўлди. «йўк, мен бундай килолмай-ман!»—деган ўй кўп ўтди хаёлимдан.

Лекин барибир жавобгарлик хисси менга ёрдамга келди. Мен билан ёнма-ён Гюнше ва Лингэ хам Гитлер ва унинг рафикаси олдидаги ўз бурчларини бажаришаётган эди.

Мурдаларнинг кийимларини, улар то бензин шимиб шалаббо бўлмагунча, шамол тинмай хилпиратиб ўйнар эди.

Гюнше ва Лингэ хам Адолф Гитлернинг сўнгги топширигини бажаришаркан, ички бир курашни бошдан кечиришаётганликлари аник сезилиб турарди.

Снарядлар ҳамон тинимсиз портларди. Ўлим хавфини хам унутиб, мен бункердан кетма-кет бензин тўла идишларни олиб чиқавердим. Мурдалар устига тўқавердим. Бетон девор оқаётган бензин йўлини тўсди. Мурдалар ётган жойда кўлмакча хосил бўлди.

Уларнинг кийимлари ҳамон бензин шимиб олаётганди.

Биз яна бензин олиб чикиш учун бункерга отилиб кирдик. Аммо шунда штурм шунчалик зўрайдики, ташкарига чикиш мутлако мумкин бўлмай колди. Факат мўъжиза туфайлигина омон колдик.

Бункердан чиқаверишда, бу дахшатли вазифани бажарарканмиз, Геббелс, Борман, ва дўхтир Штумпфегтерлар хам биз билан ёнма-ён туришарди. Хаммамиз дўзах ичида колгандай эдик. Аммо кандай килиб бензинни ўт олдирсак экан энди?

Граната улоктириб ёкиш таклифини мен рад килдим. Тасодифан бункер остонасида ўралиб ётган ўт ўчириш шланглари орасидаги латтага кўзим тушиб колди.

— Ана латта бор экан!— кичкирдим хаяжонда.

Гюнше дархол уни олиб келди. Шу ондаёк латтага бензин куйиб:

— Гугурт!— деб бакирди у.

Геббелс чўнтагидан гугурт кутичасини чиқариб, менга узатди. Мен латтага ўт кўйдим.

Олов гуриллаб кетмасидан, мен ёнаётган латтани бензин шимиб ётган мурдалар устига

улоктирдим.

Хаммамиз нафас ютганча, тош котиб караб турардик.

Бир дакика ҳам ўтмай, бахайбат гулхан пайдо бўлди, коп-кора тутун кўкка ўрлади.

Ўт ичида колган пойтахтда бу улкан ва ёвуз кора гулхан жуда кўркинчли манзара касб этганди.

Геббелс, Борман, дўхтир Штумпфегтер, Лингэ, Гюнше ва мен ҳамон тошдай котганча бу фожиани кузатардик.

Олов аста-секин мурдаларни ютиб юбормокда эди.

Биз, олтовлон, хаммамиз шеф ва унинг рафикаси билан сўнгги бор видолашдик. Сўнгра юракларимизни бу воқеалар дахшати босганча, бункер ичкарасига тушдик.

Бензин ёниб тугай деб колди. Аммо мурдалар хали тўлигича куйиб кўмир бўлмаган эди.

Тамомила сўниб улгурмаган гулханга бензин сепишнинг иложи йўклигидан яна бир канча муддат кутиб туришга тўғри келарди. Аммо ўрис тўпчилари отишмани тўхтатишмади.

Жасадлар куйиб кул бўлмагунча бензин сепиб, ўт ёкишимиз мумкин эмасдек туюларди.

Мурдаларга ўт кўйиш соат 1400да бошланиб то 19 дан 30 дакика ўтгунча чўзилди.

Хаддан ташкари огир шароитларда, нақ ўлим хавфи остида қолиб, яна бир неча юз литр бензин топишга тўғри келди.

Биз бункерга қайтиб келгани-мизда, у ерда бутун штаб тўпланган экан. Айримлар фюрер ва унинг рафикаси хурмати учун яна бир бор ташкарига чикиб тушдилар. Ҳукумат мавзеининг коменданти, бригада фюрери Монке, полиция генерали Раттенгубер каби жангларда чиниккан офицерларнинг кўзларидан тинмай ёш оқар эди.

Гарчи бу воқеалар кўпчилигимиз учун кутилмаган ходисалар бўлмаса-да, фюрернинг энди орамизда йўклиги — бизни каттик ларзага солган эди. Бу қароргоҳда ҳукм сурган оқойишталикдан Адолф Гитлер ўлгач, асар ҳам колмаганди.

Хамма каттик изтиробда колган, энди нима бўлишини ҳеч ким билмас эди. Хаммани кўркув забт этганди.

Биринчи бўлиб Геббелс ўзини қўлга олди:

— Борман, Бургдорф, Кребс, Монке, сизларни маслаҳатлашувга чакираман, юз берган ахволни муҳокама киламиз,— деди у саросимани босишга уриниб.

Биз Гюнше иккаламиз яна шеф ўзини отган хонага кирдик. Бу ерда хамма нараса фожиали ўлим-ни эслатиб турарди. Гитлер ва Еванинг тўппончалари кизил гилам устида ётарди. Полда, столда ҳам кон доғлари аниқ кўринар, гулдон ҳам ҳамон кулаганча ётар, шундок пешонамизда — деворда Гитлер волидасининг ёшлигида тушган суврати осилиб турарди. Ёзув столи устида эса Буюк Фридрихнинг портрети бор эди.

Мен огир яраланган, кўриклаш қўшини бошлиги штурмбанфюрер Шедле ётган врачлар хонасига кирдим ва унга бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб бердим. Сухбатлашар эканмиз, Гюнше ва криминал-директор Хегл ёнимизга келди. Гюнше сухбатни бўлиб, комендант Монкенинг соат 21.00 да камалдан ёриб чиқиш учун хамма одамларимни «янги империя девони»нинг кўмирхонаси олдида тўплашим шартлиги хақидаги буйругини айтди.

Биз хонадан чикиб кетарканмиз, Шедле ҳам тириклай душман қўлига тушиш нияти йўклиги, ўзини-ўзи ҳеч иккиланмай отишини маълум килди. Бу ишни у сал кечроқ амалга оширди.

Кечаси яна бункерга келиб, у ерда пблиция генерали Раттенбургни учратдим. У менга фюрер ва рафикаси устидаги оловни ўчиришаётганда Лингэ иккаласи иштирок этишганини айтди.

Гитлер ва Еванинг куйиб кўмир бўлган жасадлари колдикларини тўплашиб, менинг уйим

яқинидаги кичик қабристонга дафн қилишди.

Эрих Кемпка

P.S

Айрим манбалар Эрих Кемпка маълумотларини мутлақо рад этади. Яъни улар Гитлер 1945 йилда ўлмаган, балки Лотин Америкасидаги давлатлардан бирида узок йиллар яшаган дейишади. (e-tarix.uz)